Ушбу сонда:
2 ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШ 50 МИНГ СЎМ
3 ЎҚИТУВЧИЛАРГА УСТАМА ҲАҚ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 17 сентябр, шанба № 154 (1995)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҲОСИЛ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

***Фарғона вилояти пахтани қайта ишлаш корхоналари янги ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлашни бошлаб юборди.***

Бу йил Фарғона ва Ёзёвон тумани деҳқонларидан 31 минг 400 тоннадан ортиқ хомашё қабул қилиб олишни режалаштирган Фарғона пахта тозалаш корхонасида ҳам иш қизғин паллага кирди.

- Асосан фермер хўжаликлари билан шартнома тузганмиз, -дейди корхона бошқаруви раиси Абдукарим Ҳайдаралиев. - Ёзёвонлик 449, Фарғона туманидан 173 нафар фермер билан йўлга қўйилган ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Заводимизга қарашли Бешбола, Водил, Чимён, Хонқиз ва Хонобод пахта қабул пунктларида пахта хирмонлари юксала бошлади. Цех ва участкаларда эса янги ҳосил қайта ишланяпти.





## КОРХОНАДА СИФАТГА ЭЪТИБОР

***Намангандаги «Намангантекстил» акциядорлик жамиятида кейинги пайтда ижобий ўзгаришлар кузатилаяпти. Бунда, албатта, жамоанинг ҳамжиҳатлиги, сифат ва иш унумига катта аҳамият қаратилаётгани сабаб бўлмоқда.***

Корхонада шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида натура ҳолатида 4645 тонна ўрнига 4713 тонна ип йигирилди. 16097 минг погон метр хом тўқима ишлаб чиқарилди, тайёрланган тайёр газлама ҳажми эса 16306 минг погон метрни ташкил этди. Шартнома асосида 19390 минг квадрат метр энли газлама буюртмачиларга етказиб берилди. Шунингдек, 336 минг погон метр кўйлакбоп газламалар тайёрланди.

Саккиз ой мобайнида маҳсулот экспорти бўйича ҳам қувонарли натижаларга эришилдики, бу четдан янги техника ва технологиялар сотиб олишга кенг имконият яратди. Бошқача қилиб айтганда, йилнинг ўтган даврида 2405,6 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Бугун корхонада 5330 нафар йигирувчи, тўқувчи ва бошқа ўнлаб турли касб эгалари самарали меҳнат қиляпти. Яна қўшимча ишчи ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Гулбаҳор Мамадалиева, Маъсуда Умрзоқова, Сакида Сатторова, Дилрабо Рамазанова, Матлуба Умарова, Нурхон Йўлчибоева, Зулфия Эрназарова, Мунаввар Акбарова каби турли касб эгаларининг сидқидил меҳнатлари эвазига маҳсулот сифати тубдан яхшиланиб, ҳажми ортиб бормоқда.

***Суратларда: операторлар Маъсуда Умрзоқова ва Гулбаҳор Мамадалиева.***

**Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

*Оролбўйидан мактублар*

## ТАХТАКЎПИРЛИКЛАР

***Бир томони Устюрт қумликлари, иккинчи ёни Қозоғистон даштларига қадар чўзилиб кетган туманнинг ўзига яраша тарихи бор. Тахтакўпир деб аталишининг боиси ўтмишда овул марказида айқириб асов дарё ўтган. Баҳорда сел келиб қирғоқларидан тошган. Оқсоқоллар маслаҳатлашиб, ҳашар йўли билан ёғочдан кўприк қуришган. Ўша кўприк ҳозир ҳам сақланиб қолган. Катта наҳрнинг ирмоғидан ўтиш учун одамларга асосий восита бўлиб хизмат қилаяпти.***

Истиқлол туфайли тахтакўпирликларнинг кўксига эркинлик, ҳурлик шабадалари тегди. Туманни иқтисодий-ижтимоий юксалтириш, Оролнинг қуриши оқибатида юзага келган муаммоларни бартараф этиш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. Илгарилари чорва яйловлари ҳисобланган далаю даштлар ўзлаштирилиб, пахта ва шоли етиштиришга киришилди.

Қурилиш-ободончилик ишлари кенг қулоч ёйди. Қисқа муддатда ўнлаб янги мактаблар, болалар боғчалари, врачлик пунктлари, ҳунар-коллежлари, аҳолига савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриб битказилди. Замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган «Ойдўст қалъа» санаторийсида юзлаб беморлар даволаниб, соғлиғини тикламоқда. Мўъжаз теннис корти, бир-биридан чиройли турар-жойлар туман марказига кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Аҳолининг 72,8 фоизи ичимлик суви, 98,2 фоизи табиий газ билан таъминланган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Халқ таълими тўғрисидаги Қонун изчиллик билан амалга оширилмоқда. Олис овуллардаги 23 та мактабда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олаяпти. Болалар боғчалари ва мактабгача тарбия муассасаларида мингга яқин кичкинтой шуғулланмоқда, 1,5 минг талаба билим олмоқда.

Фуқаролар соғлиғини муҳофазалаш доимий эътиборда. «Сиҳат-саломатлик йили» дастури бўйича тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, муассаса моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўриляпти. Марказий ва қишлоқ шифохоналарида 56 нафар малакали ҳаким, 500 га яқин ўрта махсус маълумотли тиббий ходимлар ишлаб турибди. Овулларга туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва турли мутахассисликдаги шифокорлардан иборат гуруҳлар юборилиб, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар, ногирон ва фахрийлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Йигирмадан ортиқ хусусий корхона фаолият кўрсатаяпти. Айниқса, «Дилбар» кичик корхонасида тайёрланаётган кийим-кечаклар ўзининг сифатлилиги билан мижозлар эътиборини қозонган.

Иқтисодиётнинг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этган туманда 11,5 минг гектар ерда деҳқончилик қилинаяпти. Мавжуд 5 та ширкат, 200 га яқин фермер хўжаликлари 3050 гектар майдонда ғўза, 4700 гектар ерда ғалла ўстириб, шартнома режаларини ҳар йили республикада биринчилар қаторида бажариб келишаяпти.

«Мақполкўл» фермер хўжаликлари бирлашмаси ялпи дон ҳосилини 1350 тоннадан ошириб, пахта хирмонини 2 минг тоннага етказиш ниятида. Тумандаги «Ўзбекистон», «Олға бос», «Наврўз», «Исмагул» фермер хўжаликлари пахта сотиш шартнома режаларини ўринлатиб, ҳар бири 4-5 миллион сўмдан фойда олишди.

Оролбўйи ёшуллиси, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Агитой Адилов раҳбарлик қилаётган «Тахтакўпир» ширкат хўжалигида йил якуни билан 50 миллион сўмгача дивидент тарқатиляпти. 22 та кам таъминланган оилага хўжалик ҳисобидан уй қуриб берилди. «Мақпал-Тахта» фермер хўжалиги раҳбари Татлимурод Бекбуалиев 15 гектар майдонда ғўза ўстириб, чўл шароитида ҳосилдорликни 25 центнерга етказди.

Марказий шифохона «Тез ёрдам» хизматининг ёш фельдшери Баҳодир Абдукаримов беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзи билан ҳам даволаяпти.

Қозоқ ва қорақалпоқ миллатлари вакилларидан иборат бағрикенг туманда халқ ижодиёти дурдоналари эъзозланмоқда. Маданият бўлими ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Шуъла» дастаси иштирокчиси Байрамгул Ўтемуратова Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб Тошкентда ўтказилган рақкосалар кўрик-танловида совринли ўринни эгаллади. Жозибали рақслари билан минглаб томошабинларни ром этган санъат ихлосмандининг Жамила Тлеуова ва Райҳон Ажимуродова сингари муносиб шогирдлари бор. Халқ дастаси аъзолари чорвадорлар, пахтакорлар ҳузурида бўлиб, қизиқарли чиқишлар қилишмоқда.

Оролбўйи пойтахти Нукусдан бошланган катта ўзбек тракти бўйлаб Шимол томонга юрсангиз, ойнадек текис йўл сизни Тахтакўпирга олиб боради. Ям-яшил дарахтзорлар ортда қолиб, ёвшан ўсган далалар бошланади. Бир томони кенг яйлов, иккинчи ёни пахтазор ва буғдойзор пайкалларида элим деб, юртим деб ёниб яшаётган минглаб ноз-неъмат ижодкорлари фидойи меҳнат қилишмоқда.

**И.ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Эл ардоқлаган кишилар*

## ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА КЎНГИЛ

***Ўзининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришни турли соҳаларини ривожлантириш, ислоҳотлар изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтиришда фаол қатнашаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Президент Фармонига мувофиқ ватан мукофотлари билан тақдирландилар. Улар ичида Қарши шаҳридаги «Элегант-Зиёда-дизайн» хусусий корхонаси раҳбари Зиёда Ҳайитова ҳам бор эди. У «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.***

Зиёда опани қашқадарёликлар яхши билишади. Бир неча йиллардан бери тадбиркорлик билан шуғулланиб, довруғи бутун воҳага тарқалган бу тиниб-тинчимас опахон нафосат ошуфтаси, гўзаллик шайдоси. Ўзининг изланишлари, билими ва маҳорати билан юртдошлари эътиборини қозонди. Айни чоғда бола-чақалари билан фаровон ҳаёт кечирмоқда.

— 1993 йилда тадбиркорликка қўл урган эдим, - дейди Зиёда опа. - Дастлаб кичик цех очиб, иш бошладим. Мижозларим кўпайгандан сўнг хизмат турларини кенгайтириб хусусий корхона ташкил этдим.

Опахон ва шогирдлари томонидан тайёрланган хилма-хил пардалар, миллийлигимиз балқиб турган чимилдиқлар, келинлар либослари мижозларга ҳамиша манзур.

Бундан бир йил муқаддам тажрибали тикувчи «Зиёдабегим» ўқув марказига асос солди. Айни пайтда вилоятнинг Деҳқонобод, Чироқчи, Касби, Ғузор, Нишон туманларидан келган қизлар бу ерда чеварлик сирларини ўрганмоқдалар. Улар ўзларининг яшаш жойларида тикувчилик тармоқлари ташкил этиб, сифатли, бежирим буюмлар тайёрлашаяпти. Масалан, ўқув марказида таълим олган Саодат Бўтаева Деҳқонобод туманидаги Қизилча қишлоғида мўъжазгина корхона очди. Бир сўз билан айтганда, ўқув марказини битириб чиққан ёшлар ташаббуси билан туманларда цех-корхоналар ташкил этилиб, юздан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

Қарши шаҳри ўзининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан корхона ва ташкилотлардан «Элегант-Зиёда-дизайн» корхонасига парда ва миллий каштачилик буюмлар тайёрлаш бўйича кўплаб буюртмалар тушган. Корхонада кўркам либослар учун буюртма берган хотин-қизларнинг қадами узилмайди. Кичик жамоа маҳсулотлари воҳанинг олис қишлоқларига, айни пайтда қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро, оламни сайқали Самарқанд, қўшни Сурхондарё вилоятлари аҳолиси хонадонларига ҳам кириб борган.

Қарши шаҳрида «Ҳофизахон» савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси ишга туширилди. Корхоналарнинг қўли гул чеварлари ушбу иморатни кўркам ва чиройли пардалар билан безадилар.

**И.ТИЛЛАЕВ**

## КЎРГАЗМАДА ПАРДОЗ АНЖОМЛАРИ

***Тошкентда биринчи маротаба “BeautyEXPO – Uzbekistan 2005” ихтисослашган халқаро кўргазмаси очилди. Унда АҚШ, Польша, Корея, Россия, Қозоғистон, Украина компанияларининг маҳсулотлари намойиш этилмоқда.***

Кўргазмадан пардоз анжомлари, терини парваришлаш воситалари, гигиеник воситалар ва шунингдек, гўзаллик салонлари учун асбоблар ва аксессуарлар жой олган.

Экспонатлар ичида дунёдаги машҳур Johnson&Johnson, Genic Co каби компанияларнинг Ўзбекистондаги расмий вакиллари томонидан энг машҳур атир-упалари ва безаш воситалари намойиш этилмоқда.

Кўргазма ташкилотчиси TNT Production, Inc компаниясининг МДҲ давлатлари бўйича директори ўринбосари Геннадий Дякиннинг таъкидлашича, хорижий компанияларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кундан-кунга ортмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатда иқтисодий ўсиш ҳамда пардозлаш хизмати ва тармоқда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади.

## ОЛТИАРИҚ ТАМҒАСИ БИЛАН

Олтиариқ туманида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Германия-Украина ҳамкорлигидаги “Олтин сут водийси”, “Соя интер инвест” қўшма корхоналари тамғаси билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган қуруқ сут, қуюлтирилган сут, ёғли сут, творог сингари маҳсулот турлари нафақат Фарғона водийси вилоятлари балки, мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятларидаги мижозлар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Гап шундаки, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ўзининг сифати, ташқи кўриниши, қолаверса, таннархининг арзонлиги билан мижозларга маъқул келмоқда. Чет эл инвестиция асосида барпо этилган корхонага хорижий ишбилармонларнинг қизиқиши катта бўлмоқда.

Ишни туман ҳудудидаги ташландиқ жойда бошлаган соҳа тадбиркори Иброҳимжон Саидохунов Ўзбекистонда биринчи бўлиб, сутни қайта ишлашга ихтисослашган сут қуритиш тармоғини ишга туширди. Ўз устида изланган, замонга ҳамнафас бўлган ишбилармон аввало, туман ва атрофдаги хомашё етказиб берувчиларнинг имкониятларини пухта ўрганиб чиқди. Зеро, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосида хомашё туриши бугун барчага аён. Шу боис, мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари билан туман ва қўшни туманлардаги ширкат, фермер ва аҳолидан сут маҳсулотини қабул қилувчи 15 та шохобчалар иши йўлга қўйилди, 1 километр электр энергияси, 250 метр газ қувурлари тортилди, эски кўприк тикланди, сув насослари таъмирланди. Буларнинг барчаси корхона ва маҳалла корига ярамоқда. Украина, Германия, Россия сутни қайта ишлаш дастгоҳлари бир кеча- кундузда 25 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ишга тушиши натижасида 30 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар кафолатли иш ўринлари билан таъминланди.

## ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида мактабларни замонавий ўқув қуроллари, янги дарсликлар билан таъминлаш билан бирга уларни капитал реконструкция қилиш, зарур бўлса янги мактаблар қуришига алоҳида аҳамият берилган.

Янгийўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли Шўралисой қишлоқ фуқаролар йиғини «Иттифоқ» маҳалласидаги 33-умумтаълим мактаби капитал таъмирдан чиқарилди. Бош пудратчи «Ишонч» хусусий қурилиш фирмаси қурувчилари режадаги ишни ўз муддатида ниҳоясига етказди. Бу ерда қўшимча 2 та бино қурилди. Янги спорт зали барпо этилди. Янги спорт жиҳозлари, гимнастика нарвони, кураш матлари, турник, гимнастика тўшаклари, волейбол тўрлари келтирилди.

Қурувчилар туҳфа сифатида мактабга алоҳида электроподстанция ҳамда ичимлик суви қувурларини янгилаб бердилар. Умуман мактаб қурилиши учун 220 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Энди янги ўқув йилидан бошлаб 410 нафар ўқувчи бир сменада таълим оладиган бўлди.

– Бу хайрли ишга бош қўшган ҳомийлар, мутасаддилардан миннатдормиз, – дейди мактаб директори Р.Мамажонова.

## ҚЎМИТА ТАШАББУСИ

***Андижон вилояти Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан сентябр ойининг биринчи ўн кунлигида қатор тадбирлар ўтказилди.***

Жалолқудуқ тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида вилоят «Олима аёл» уюшмаси аъзолари ўртасида давра суҳбати ташкил этилди. Учрашувда ҳуқуқшунос, иқтисодчи, тиббиёт соҳасидаги таниқли олималар, малакали мутахассислар иштирок этишди. Мазкур тадбирда қирқдан зиёд хотин-қизлар қатнашиб турли масалаларда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

* * *

***Марҳамат тумани қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида «Репродуктив саломатлик асослари» мавзуида семинар ўтказилди.***

Мазкур тадбирда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг раислари, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш йўлида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари, ҳамда, талабалар иштирок этди.

Бу семинарнинг коллежлар талабалари ўртасида ўтказилиши бежиз эмас албатта. Зеро, бугунги талаба келажакда уй бекаси, фарзандлар онаси, авлод тарбиячиси экани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг репродуктив саломатликнинг мазмун моҳиятини қанчалик теран англашса келажак авлод соғломлиги шунчалик таъминланади.

Семинар иштирокчиларига мавзу бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди ва уларни амалга ошириш борасидаги тавсиялар берилди.

**«Туркистон-пресс»**

*Шарҳловчи минбари*

## ХИТОЙ: ТАШҚИ БОЗОРДАГИ РАҚОБАТ

Хитой товар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Экспорт борасида ҳам унга етадигани кам. Хитой маҳсулотлари кириб бормаган мамлакат йўқ ҳисоби. Аммо уларнинг сифатига иқтисодий шериклар, айниқса, Ғарб давлатлари баъзида эътироз билдириб туради. АҚШ ва Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари Хитойдан келадиган кийим-кечаклар учун 30 йилдан буён квота қўйиб келаётгани ҳам бежиз эмас.

Жорий йил бошида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) квоталарни бекор қилди. Шундан сўнг Хитойда ишлаб чиқарилган кийим-кечак экспорти кескин ошиб кетди. Тўқимачилик соҳасидаги экспорт ҳажмининг ошиши эвазига Хитой ташқи савдосидаги фойданинг ўсиши йилнинг биринчи ярмида беш баробар тезлашди.

Иш суръати шундай давом этаверса, йил якунига бориб хитойликлар фойдани роса икки баробар ошириб, 2006 йилнинг ўзида АҚШ ва Европа ишбилармонларини бозордан суриб чиққан бўлур эди. Лекин бунга йўл қўйилмади. Аввал АҚШ, кейин эса Европа Иттифоқи ЖСТ қонун-қоидаларини бузишдан ҳадиксирамай, Хитойдан импортни яна чеклаб қўйди.

Хитой ЖСТга аъзо бўлиб кираётганидаёқ, унинг товарларига барибир қандайдир чекловлар, масалан, махсус бож тўловлари жорий этилиши мумкинлиги қайд этилганди. Бу ташаббусни АҚШ билан ЕИ илгари сургани сир эмас. Зеро, АҚШ ўзининг тўқимачилик соҳаси 16 минг ишчи ўрнини йўқотишида айнан Хитойни сабаб деб билади. ЕИ мамлакатларида ҳам шундай ҳолат кузатилган.

Хуллас, Хитой билан ЕИ ўртасида савдо музокаралари бошланди. Чунки қандайдир ўзаро қатъий келишув ўрнатилиши лозим эди. Бу орада Европадаги импортчи компаниялар хитойлик шерикларига қиймати 4 миллиард АҚШ долларига тенг кийим-кечакка буюртма бериб, пулини олдиндан тўлаб ҳам қўйди.

Ҳеч вақт ўтмай, Европа божхоналари омборхоналарини белгиланган меъёрдан ташқари ярим миллиард евролик Хитой маҳсулотлари босиб кетди. ЕИ қийин аҳволда қолди: уларни божхонадан ўтказай деса, бу йилги квота аллақачон ёпилган, ўтказмаса, хитойлик ишбилармонлар эмас, шу кийим-кечакларга буюртма берган Европа компаниялари касодга учраши аниқ.

ЕИ Хитойга муаммони ҳал этишнинг учта йўлини таклиф қилди. Унга кўра, тўпланиб қолган ортиқча товарни божхонадан 2006 йилги квота ҳисобига ёки бошқа маҳсулотлар учун белгиланган квоталар эвазига, ёҳуд умуман квота белгиланмаган маҳсулотлар тариқасида ўтказиш мумкин. Хитой, дастлаб норозилик билдирган бўлса-да, узоқ музокаралардан сўнг иккинчи йўлни танлашга мажбур бўлди.

Шу ҳафта бошида Европа комиссияси божхоналарда август ойи бошидан буён тўпланиб қолган 87 миллион дона кийим-кечакни ЕИ бозорига киритиш билан боғлиқ сўнгги ҳужжатни қабул қилди. 14 сентябрдан кучга кирган бу ҳужжат Хитой кийим-кечакларига белгиланган квота ҳажмини оширишни ҳам кўзда тутади.

Кузатувчиларнинг фикрича, хитойлик ишбилармонлар маҳсулот сифатини ошириб, ташқи бозорда ишончни мустаҳкамламас экан, АҚШ ва ЕИнинг инжиқликларига учрайверади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

## Тадбиркорлик - давр талаби

***Бухоро деганда аввало хаёлингизга Минораи Калон келади. Сўнгра улуғ алломалар, азиз авлиёлар номи тилга кўчади. Осмонўпар Минора аждодлар тафаккури, хунармандчилик салохиятидан гувохлик берса, мутафаккир зотлар мероси эса қўл ишда, кўнгил Ҳақда бўлиб ҳалол ризқ билан кун кечириш, маърифат нури билан одамлар қалбига кириб бориш, эзгулик ва яхшилик орқали орзу-умидларни қувватлантириш, иродани тарбиялаш илмидан сабоқ беради.***

# ШОФИРКОНЛИК АЁЛЛАР ЯРАТГАН СЎЗАНАЛАРНИ

## чет элликлар суюб харид қилишмоқда

Қадимий шаҳарда бугун ҳам бобомерос ҳунармандчилик ўз сайқалини йўқотмай, яшаб, яшариб келмоқда. "Тадбиркор оила - фаровон оила" кўргазмасида шофирконлик тадбиркор аёллар тавсия этган бир-биридан гўзал кашталар, ажиб сўзаналар, зардевору палаклар, ёстиқ жилдларию зардўзлик буюмлари, кийқим матолардан ўта маҳорат билан тикилган рўзғор ашёларини кўриб, бу ҳақиқатга яна бир бор ишондик. Оддий қишлоқ аёллари томонидан тавсия этилган бу бежирим буюмлар шунчалик нозик дид, нафосат билан яратилганки, бу ишнинг ижрочисига тасанно айтмай иложинг йўқ.

Чоклари нафис, ранглари ўзаро уйғунлашган, зар иплар билан чиройли гуллар солиб безатилган кийим-кечакларда ҳам миллий руҳ билан бирга замонавийлик барқ уриб туради.

Туман "Тадбиркор аёллар" уюшмаси раисаси Тўйбиби Амонова кўргазмада иштирок этаётган чевар, ўз ишининг фидойиси бўлган ҳунармандларга ишора қилиб, фахр-ифтихор билан сўзлайди:

- Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги Фармонлари соҳа истиқболига кенг йўл очди. Бугун туманимизда 200 нафарга яқин тадбиркор аёл бор. Уларнинг шуҳрати нафақат вилоятда, балки республикада маълуму машҳур. Қувончлиси, ҳар қишлоқ, ҳар маҳалланинг ўз чевари, ҳунарманди бор. Уларнинг саъи-ҳаракатлари билан Шофиркон каштачилиги довруғи дунёга ёйилаётир. Халқаро кўргазмалар ғолиби Зуҳра Облобердиева издошлари бугун кўпайиб бормоқда. Улар тиккан кашталар нусхаси бир-бирига ўхшамайди, ўзига хос, бетакрор. Ҳилола Тўқсонова каштачиликда бугун ўз мактабини яратаётган тадбиркорлардан. Олий маълумотли мутахассис бўлган бу аёл анор, тут дарахти илдизларидан табиий бўёқ ятатади. Унга бўялган ипак жилоси кўзни қувнатиши билан бирга узоқ йил аслини сақлаб қолади.

Ҳилола ҳақида олдин ҳам эшитганман. Жўрақул Тўраев номли мактабда чизмачилик, расм, меҳнат таълимидан дарс берадиган ёш ўқитувчининг қишлоқ қизларидан 15 нафарига каштачилик сирларини ўргатганидан хабарим бор. Аммо уни алоҳида фирма очиб, Шофиркон каштачилигини дунёга ёяётганини билмас эдим.

Ҳилола Тўқсонова бугунги кўргазмада тайёр каштачилик буюмлари ва янгидан тикилаётган ишлари билан бирга чеварларини ҳам олиб келибди. Бир-биридан чиройли кашталарни назардан ўтказамиз. Қадимий усулда тўқилган бўзга турфа ипакларда тикилган каштадаги гуллар чаманзорни эслатади. Нариёқдаги сўзана эса янада жозибали. Уни томоша қилиб гўё фалакда сузиб юргандек ҳис қиласиз ўзингизни. Ой ва юлдузлар тасвирланган сўзана эса файзиёб тунларни ёдга солади.

Каштачи чеварлар эса қўли-қўлига тегмай қатим тортади. Камалакдек товланаётган турфа ипаклар уларнинг нозик қалблари, дилбар туйғуларига йўғрилиб, бир зумда санъат асарига айланади. Ҳамроҳимиз Республика "Оила" илмий-амалий Маркази ходими Зебо Ҳасанова ҳайратини яшира олмай, чевар қизнинг қўлидаги игна ипни олиб тикмоқчи бўлади. Каштачи қиз эса чиройли жилмайганча тикишнинг нозик сирларини ўргата бошлайди.

- Кашта тикиш қизларнинг ҳуснига ҳусн қўшувчи фазилат, - дейди Зебохон. - Кашта тикувчи аёл мутахассисларнинг эътирофига кўра, ипакдек майин, иболи, сертакаллуф, энг асосийси, очиқ чеҳра бўларкан. Жаҳон мумтоз адабиёти намояндалари ҳам шу боис гўзал аёлни тасвирлаганда, албатта, унинг қўлига ип-игна, кашта бўлишига эътибор қаратганлар.

- Ҳа, каштачиликни шунчаки тикиш, деганлар қаттиқ янглишади, - дея суҳбатга қўшилади Ҳилолахон. - Аслида ҳар бир каштада уни тиккан аёл қалбининг нозик ифодаси, кўнгил кечинмалари ифодаланган бўлади. Негаки, у аввал тикаётган каштасига дилбар туйғуларини турфа гуллар, ою юлдуз, осмон, қуёш, қуйингки, табиат гўзалликларини нақшлайди. Бошқача айтганда, чизган тасвирига кўнглини жойлайди. Шу боис чеварлар томонидан тикилган кашта одам дилига завқ, кўзига нур бағишлайди. Кайфиятини кўтариб, руҳиятига енгиллик беради. Қадим аждодларимиз бекорга келинчакларнинг уйини кашта билан зийнатламаган. Бундай уйда ёш келин-куёв қалби гўзал туйғуларга ошён бўлган. Албатта ана шундай ҳаётбахш гўзаллик теграсида туғилиб, камолга етган бола ҳам соғлом, ҳам ота-онасига, эл-юртига меҳрибон, оқибатли инсон бўлиб улғайган. Ҳилолахоннинг сўзларини тинглаб, амалга оширган эзгу ишлари, энг муҳими кўҳна маданиятимиз, бобо мерос қадриятларимиз, момоларимиз чеварлиги, маҳоратини ёшларга қунт билан ўргатаётганлигини кўриб, севинасан киши.

Ҳилола азалдан ишнинг кўзини биладиган, уқувли, чевар ва яхшигина рассом эди. Ёшлигида онасидан кашта тикиш сирларини мукаммал ўрганиб олган. Бухоро педагогика институтининг бадиий графика факультетида ўқиб, болалигида ўрганганларини назарий томондан бойитди. Янги бўёқ яратиш, матоларни бўяш, хуллас, рассомликнинг кўнгил билан ҳис қилмоқ илми эканлигини ўрганди. Мактабда ўқитувчилик қилган йилларида ҳам билимини ошириб борди. У мактабда ҳам, оилада ҳам рисоладагидек иш тутар, бажарган ишидан атрофдагиларнинг ҳамиша кўнгли тўларди. У эса ўз имкониятидан келиб чиқиб, янада кўпроқ ишлагиси, кўпроқ шогирдлар тайёрлагиси келарди. Минг афсуски, қишлоқ мактаблари учун у сабоқ берадиган расм, чизмачилик, меҳнат таълимига иккинчи даражали дарс сифатида қарашарди. Кўпинча ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам дарсда ташкилий юмушларга жалб этиларди.

Шундай кунларнинг бирида у мактабдан янги гап топиб келди:

- Давлатдан кредит олиб, янги корхона очаман, қизларга касб-ҳунар ўргатаман. Уни биринчи бўлиб турмуш ўртоғи қўллаб-қувватлади. Иккаласи туни билан ухламай, режа тузишди. Ҳилола эртаси куниёқ дарсларини тугатиб, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Карима Қудратова қабулига борди. Ўзи тиккан кашталарнинг нусхаларини унинг иш столига бирма-бир қўяркан, ийманибгина гап бошлади. Раиса дилбар аёл экан. Уни очиқ чеҳра билан қаршилади. Сўзларини эринмай эшитди. Ташаббусини қўллаб-қувватлади. Тез орада кредит олинди. Ҳамсоя қизлар ишга жалб этилди. Турмуш ўртоғининг кўмаги билан ипак бўяйдиган хумлар қурилди. Пахтадан ип йигириб, кашта тикиш учун бўз мато тайёрланди. Бу ишга элга довруғи кетган нуроний кампирлар ҳам жалб этилди.

Ниҳоят қадимий услубда тикилган сўзаналар бирин-кетин харидорларини топа бошлади. Донолар айтганидек, гўзаллик харидор изламайди, балки гўзалликни изловчилар ҳамиша топилади. Ҳилолахон тиккан сўзаналар довруғи ҳам тезда элга ёйилди. Сабр-тоқат билан қилинган меҳнат, саъи-ҳаракатлар, интилиш, ташаббус ва изланиш ўз самарасини берди. Ўша йилнинг ўзида 15 қиз-жувонга касб-ҳунар ўргатган Ҳилолахон "Мен бахтли юрт аёлиман" деб номланган нуфузли кўргазмада қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади.

Яқин-атрофдаги қиз-жувонлар унинг ишига қизиқиб қолишди. Ҳилолахон ҳунарли бўламан, деб келган қизларни ҳамиша очиқ чеҳра, меҳрибончилик, келажагига ишонч билан қарши олди. Қизлар дастлаб рўмолча, қийиқчага гул тикишни ўргандилар. Биринчи тиккан кашталар азалий удумга кўра сувга оқизилди. Бунинг ўз рамзий маъноси бор. Иккинчи тикилган кашта нуронийларга берилиб, уларнинг оқ фотиҳаси олинди. Ана шундан сўнг шогирд қизлар сўзана тикишга киришишди. Ҳилолахон ёшларни ана шундай сабр-тоқат, қунт билан касбга йўналтиради. Унинг бугун юздан ортиқ шогирди бор. Уларнинг ҳар бири касб-ҳунар ўргатиб, рўзғорини обод этгани учун устозларидан мамнун.

Ҳилолахон эса ҳамиша изланишда. Гоҳ нуроний онахонлар ҳузурига бориб, каштачиликнинг қадим нусхаларини ўрганса, гоҳо ўзи гўзал диёримиз табиатидан илҳомланиб, янги нусхалар яратади. Қалбидаги гўзалликларни сўзаналар қатига нақшлайди, шогирдларига ҳам шуни ўргатади. Шунинг учун бўлса керакки, у тиккан кашталар кўргазмаларда томошабинларни ўзига кўпроқ жалб этади, янги-янги харидорларни бошлаб келади. Мусобақаю танловларда эса унинг номи алоҳида қайд этилади, "Энг яхши тадбиркор аёл" сифатида биринчи даражали Диплом билан тақдирланади.

У эса ютуқлардан илҳомланади, янада яхшироқ ишлашга, юртдошлари қалбини гўзалликларга ошуфта этишга, она Ўзбекистонини сўзаналарида тасвирлаганидек, чаманзорга айланишини орзу қилади. Хорижлик тадбиркорлар сўзаналарини мамнуният билан сотиб олиб, юртларига олиб кетганларида гўё улар ўзбекларнинг нақадар гўзал туйғули ҳунарманд халқ эканлигини кўришидан мамнун бўлади. Яна гўзаллик яратишга ошиқади. Япониялик тадбиркор Ичеро Коназава айтганидек "Бундай гўзал кашталарни фақат Ўзбекистон заминида яшаётган дилбар туйғули Ҳилолахондек гўзал аёллargина ярата олади. Чунки, табиий гўзаллик - оддийлик, соддалик, самимиятда бунёд этилади".

**А. ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## Бир Фармон шарофати

***Мамлакатимиз раҳбарининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорларнинг эркин ва хотиржам фаолият юритишида муҳим кафолат бўлди.***

# СУҒУРТА

## мулкингизни асрайдиган энг ишончли восита

"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компаниясининг Муборак тумани бўлими жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари ва фуқароларга суғурта хизмати кўрсатишни замон талаблари асосида йўлга қўйишда белгиланган тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида фермер хўжаликлари билан 327 та шартнома тузишга эришдик.

Молиявий жиҳатдан қийналган субъектларга моддий ёрдам кўрсатяпмиз. Бултур йилни зарар билан якунлаган "Жўрабек" фермер хўжалигига 187 минг сўм қоплама пули тўланди. "Дўстлик" фермер хўжалигига эса қайтарилмаган аванс учун 1 миллион 200 минг сўм берилди.

Аҳолига суғурта хизмати кўрсатиш ҳам олдинги йилларга қараганда фаоллашди. "Кўҳна шаҳар" қишлоғида яшовчи Панжи Чўлиевнинг иморатига етган зиён ҳисоблаб чиқилиб, 38 минг сўм берилди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида жароҳатланган ўқувчи Улуғбек Олимовга ҳам шунча пул ажратилди.

"Сиҳат-саломатлик йили" муносабати билан узоқ йиллар шу соҳада ишлаган Жамила Ёқубовага 18 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Гулистон қишлоғида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Ҳолбиби Жабборовага даволаниши учун 42 минг сўм тўланди

Бўлимимиз ходимлари белгиланган режаларни ортиғи билан бажаришга эришишмоқда. Шу йилнинг дастлабки олти ойида мижозлардан 23 миллион сўмдан ортиқ маблағ йиғилди. Бу ўтган йилга нисбатан 6 миллион сўм кўп, демакдир. Айни пайтда ташкилотимизда етти нафар ходим бўлиб, туман аҳолисига намунали суғурта хизмати кўрсатмоқда.

Бундан ташқари биз банк ходимлари билан биргаликда далаларга чиқиб фермер хўжаликлари иши билан яқиндан танишамиз, олинган кредит маблағи мақсадли ишлатиляптими, йўқми, ўрганамиз. Биз томондан қандай ёрдам кераклигини биламиз.

Туманимизда 67 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг уй-жойи, чорва моллари, техникаларини суғурталаш билангина чекланмаяпмиз. Мактаб ўқувчиларини ҳам бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишни кенг миқёсда олиб боряпмиз. Шу йўналиш бўйича 8 мингта шартнома тузилди. Бошқа кўринишдаги шартномаларни қўшиб ҳисоблаганда, бу рақам 28 мингдан ошди. Айни кунларда қишлоқ ва маҳаллаларда тез-тез бўлиб, кам даромадли оилалар, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйган ёш келин-куёвларни кутилмаган, фавқулодда вазиятлардан суғурталаш мақсадида кенг тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

**О. ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компаниясининг Муборак туман бўлими бошлиғи**



## ДАЛА БОШИДА БЕПУЛ ИССИҚ ОВҚАТ

Деҳқоннинг меҳнати оғир бўлганидек, унинг сурурли дамлари ҳам кўп бўлади. Дўстликлик қайси бир пахтакордан сўраманг, чигитнинг экилишидан тортиб, униб чиқишию гуллашигача бўлган кунларни бирма-бир эслаб, ғалаба нашидасини сургани сўзлаб беради.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Эрта кўкламдан деҳқонлар зўр бериб меҳнат қилдилар. Қолаверса, об-ҳавонинг қулай келиши йиғим-теримни барвақт бошлашга имкон берди. Шу кунларда туман далаларида бўлсангиз, эгатларда турна қатор тизилган теримчиларга кўзингиз тушади.

- Бу йил пахтакорларимиз

## Касаба уюшмалари ва йиғим-терим

1961 гектар майдонда ғўза ўстириб, ҳосил етиштирдилар. Пахта заводи билан 5 минг 400 тонна юқори сифатли "оқ олтин" етказиб беришга шартнома тузганмиз, - дейди "Оқ олтин" агрохизмат маркази раиси Тожимурод Бозорбоев. - 110 та фермер хўжалигида мўл ҳосил тўпланди. Пахтанинг 70 - 80 фоизи тўла очилиб бўлди. Йиғим-теримга нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан тушдик. Айни пайтда 2 минг нафардан ошиқ теримчилар мавсумга жалб этилган Улар учун дала бошида бепул иссиқ овқат уюштирилган.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

**Суратларда: пахта йиғим-теримидан лавҳалар.**



***Бу гап пахта йиғим-терими бошланганидан бир неча кун аввал бўлган эди. Режани биринчи бўлиб бажарган пудратчига нима мукофот берамиз, деган савол ўртага ташланганда ширкат хўжалиги раиси Бахтиёр Эрназаров шундай деди:***

- Гилам, телевизорлар ўз йўлига. Улар тайёр. Ғолиб аниқланган кун эгасига топширилади. Таклифим - биринчи бўлиб режани бажарган пудратчига бошдан-оёқ сарпо қилсак. Деҳқон ҳам шаҳарлик зиёлиларга ўхшаб кийинсинда.

# ҒОЛИБЛАРГА

## сарполар кийдирилади, гилам ва телевизорлар берилади

Маррага дастлаб етган пудратчи маълум бўлгач, ўлчамига қараб кийим-кечакни ўзимиз оламиз. Яхши кунларда кийиб юрсин, хўш, нима дейсизлар...

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Мавсум кунлари ким қайси ишга масъул бўлиши белгиланди. Имкониятлар ҳисоб-китоб қилиниб пахтани четдан ёрдамчи олмай ўз кучлари билан териб олишга, режани узоғи билан йигирма иш кунида бажаришга қарор қилишди.

Чиноз туманидаги Турсунбой Эрназаров номли ширкат хўжалигида шу кунларда ҳосилни саранжомлаб олиш ишлари авжида. Қўли кунига 4 - 5 минг сўмдан пул кўраётган теримчилар суръатни туширмасликка интилишяпти. Ахир бугун ҳаракат қилиб яхшигина пул ишлаб қолмаса, эртага мавсум охирлайди, бунақа имконият эса ҳар куни бўлавермайди.

- Ғолибликка Мамадиёр Эломонов, Юнус Худойқулов ва Зайниддин Тоғаев бошлиқ оилавий пудратчилар даъвогар бўлиб туришибди, - дейди Б. Эрназаров. - Қани кўрайликчи, ҳал қилувчи паллада улоқ кимда кетаркин. Учаласининг ҳам пахтаси яхши, гектаридан 30 центнердан ошираман, дейишяпти. Ҳосилни чамалаб биз ҳам 801 тонна ўрнига давлатга камида 850 тонна хомашё сотамиз, деб турибмиз.

Хўжаликда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга эътибор биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади. Ширкат аъзоларига ёзда 700 тонна ғалла тарқатилди. Бу кўзда тутилганидан анча кўп. 22 та кам таъминланган оилага тез-тез моддий ёрдам кўрсатилади.

- Яқинда бизнинг ҳудудда жойлашган 2-туман марказий шифохона, унинг қаторида А. Худойбергенов номли, "Самарқанд", "Учқун" маҳаллаларини, "Маданият" қўрғони ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди, - дейди сўзини давом эттириб Бахтиёр ака. - Мактабни таъмирлашга кўмаклашдик. Булар учун уч миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Сўнгги икки йилда тўққизта янги техника олдик. Эндиги ниятимиз аҳолига ҚВП биноси қуриб ва янги қурилаётган участкаларни газлаштириб бериш. Келгуси йили бу режаларимиз ҳам амалга ошади.

Бунга шубҳа йўқ. Кун сайин қад ростлаётган юқори навли хирмон 2005 йил ҳам Турсунбой Эрназаров номли ширкат хўжалиги аъзолари учун сердаромад якунланишидан дарак бермоқда.

## НУКУС ТУМАНИ ЗАФАРИ

***Пахта йиғим-терими мавсуми Оролбўйида ҳам қизғин паллага кирди. Қорақалпоғистонлик пахтакорлар уйган хирмон айни пайтга қадар 100 минг тоннага етди.***

Мавсум бошидан буён карвонбошилик қилаётган Нукус тумани деҳқонлари давлатга 1500 тонна пахта топшириб, шартнома режасини Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб уддаладилар. Асосан полиз-сабзавот ва шоличиликка ихтисослашган туман деҳқонлари бу йил илк бор минг гектар ерга чигит қадаган эди. Ҳосил йиғим-терими уюшқоқлик билан бошланди. Шартнома режаси ўн беш иш кунида бажарилди.

Туман хирмонига «Шўртанбой», «Кердер», «Ўрнак» каби ширкат хўжаликлари деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар.

**(ЎзА)**

«Сиҳат-саломатлик йили» ёзи болалар учун кўнгилли ўтди десак асло муболаға бўлмас. Буни таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Навоий вилоят қўмитаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда 11 та мактаболди оромгоҳлари ташкил этилиб, уларда ўқувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилди. Биринчи мавсумда 955 нафар, иккинчи мавсумда 248 нафар тармоқ ходимларининг фарзандлари соғломлаштирилди.

## БОЛАЛАР ТАЪТИЛИ КЎНГИЛЛИ ЎТДИ

Шуниси эътиборга лойиқки, бу йилги мавсумда ногирон болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кармана туманидаги 25-мактаб-интернат қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» оромгоҳида 75 нафар ана шундай ёрдамга ўта муҳтож ўқувчилар соғлиқларини тиклашди. Болажонларни дам олдириш билан бир қаторда дастлабки касб маҳоратларини ошириш ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишлари учун тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатди.

Бундан ташқари 40 нафар кам даромадли, ёрдамга муҳтож оила фарзандлари бўлган талаба-ёшлар Бухородаги «Мохи-Хоса», 20 нафар профессор ўқитувчилар эса Тошкент вилоятидаги «Бўстон» санаторийсида соғломлаштирилди.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

Ош тузи ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариб, нафақат Қорақалпоғистонда, балки қўшни вилоятларда ҳам яхши танилган тадбиркор Сийтжон Абдуҳолиқов яна бир хайрли ишга қўл урди.

У раҳбарлик қилаётган Шуманай туманидаги «Бахтли» кўп тармоқли хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хонадонларга ичимлик суви келтиришда, эски қувурларни янгилашда корхонада тайёрланаётган 25, 32, 40 миллиметрли арзон ва сифатли қувурларга талаб катта бўлмоқда.

**(ЎзА)**

## 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

***Вилоятнинг энг олис тумани Қўшработ марказий шифохонаси икки йил олдин жуда хароб аҳволга тушиб қолган эди. Томдан сув ўтиши оқибатида ички сувоқлар кўчган, хоналар зах, антисанитария ҳолатида эди. Шифохона жамоаси ва мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари билан бино тўлиқ таъмирланди, томга шифер ёпилди. Марказий шифохонада 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими очилди. Бўлим 2 та янги махсус «Дамас» автомашинаси билан таъминланди.***

# ТИББИЙ ХИЗМАТ — ЖИДДИЙ ХИЗМАТ

## унинг сифати ходимларгагина боғлиқ эмас

– Бундан ташқари ўз кучимиз билан 11 та автотранспорт воситаларини таъмирлаб, фойдаланишга яроқли ҳолга келтирдик. Тиббий ва хўжалик ишларини юритишда булар жуда асқотаяпти, - дейди бош шифокор А.Сувонов. – Шу вақт ичида 8 та ҚВП биноси тўлиқ таъмирланди. «Саломатлик-2» дастури доирасида Осиё тараққиёт банки гранти асосида Юқорисарой ва Шавона қишлоқларида 2 та янги ҚВП биноси қурилиб, замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Марказий шифохонада иситиш, канализация тизими қайтадан ишга туширилди. Қисқаси, шифокорларнинг ишлаши, беморларнинг даволаниши учун зарур барча шароитлар яратилди.

Туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йил сайин яхшиланиб боряпти. Жумладан, марказий туғруқ мажмуи, Жўш қишлоқ участка шифохонасининг туғруқ бўлими, болалар поликлиникасида шароит, даволаш ишлари яхшиланди. Туман бўйича 5 та ҚВП автотранспорт воситаларига эга бўлди.

Шу билан бирга ишни янада яхшилаш йўлида тўғоноқ бўлаётган муаммолар ҳам анчагина. Масалан, ҚВПларнинг бирортасида телефон алоқаси мавжуд эмас. Болалар поликлиникасида иситиш тизими йўқ. Тиббиёт муассасаларида жиҳозлар етишмайди. Айрим дориларни тайёрлаш учун туман марказий шифохонасида махсус дорихона очиш керак. Бунинг учун тахминан 25 миллион сўм маблағ талаб қилинади. Энг жиддий муаммолардан бири ҚВПлар куннинг ёруғ пайтларида электр қуввати билан таъминланмаслигидир. Оқибатда беморларни даволаш учун етказиб берилган ноёб тиббий ускуналардан фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти. Ҳолбуки, тиббиёт муассасаларининг электр тўлови бўйича қарзи йўқ. Ичимлик суви муаммоси ҳам албатта ҳал қилиниши керак.

Қўшработ туманидаги Қўшоғач қишлоғидан шифобахш сув чиқади. Ундан ошқозон-ичак, буйрак, сийдик йўли касалликларини даволашда фойдаланиш мумкин. Бу ҳақда мутахассислар ва мутасаддилар алоҳида фикр билдирадилар, деб ўйлаймиз. Молиявий имкониятни яхшилаш учун туман марказий шифохонаси жамоаси ўз кучлари билан сабзавот, картошка етиштиришаяпти, 10 минг туп терак парвариш қилишаяпти. Ана шундай даромад ҳисобидан 2 та қудуқ қазилиб, сув таъминоти яхшиланди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Меҳнат ва рағбат

# ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШ 50 МИНГ СЎМ

***«Олтин дон» акциядорлик жамияти жорий йилги мавсумда фермер ва ширкат хўжаликларидан жами 148 минг тонна сара дон қабул қилиб олди. Айни пайтда бу ерда 2 турдаги сифатли ун маҳсулоти тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.***

Маълумки, унумли меҳнат қилиш учун қулай меҳнат шароити муҳим ўрин тутади. Аввало, корхонамизда аҳиллик ва иноқлик кайфияти устувор. Жамиятимизга қарашли 5 та шахобчадаги ишловчилар билан биргаликда 600 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг баракали меҳнат қилишларини таъминлаш мақсадида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Масалан, 250 ўринга эга замонавий ошхона, тиббиёт пункти, стоматология, ювиниш ва кийиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Ишловчиларга мунтазам равишда сут ва сут маҳсулотлари бериб борилмоқда. Ойлик маошларни ўз вақтида берилишига эришиляпти. Ҳозирда ҳар бир ходимнинг ўртача иш ҳақи 50 минг сўмни ташкил этади.

Ишчи-ходимлар махсус иш кийимлари билан таъминланган. Ҳар бир ишловчи таътилга чиқаётганда ойлик маошига тенг миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Ўтадиган ҳар бир байрам корхонамизга бир олам қувонч тухфа этмоқда. Бундай тадбирларда ишчиларга совға-саломлар тарқатилиб, байрам дастурхон ёзилади. Корхона тасарруфида 2 та автоулов мавжуд бўлиб, ходимларни ишга бориб-келишлари учун беминнат хизмат кўрсатаётир.

Ҳар йили ёзги соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, жорий йилда меҳнаткашларнинг 80 нафар фарзанди Зомин ва Сирдарё бўйларидаги сўлим дам олиш оромгоҳларига юборилди. Барча харажатлар корхона маблағи ҳисобидан қопланди.

Акциядорлик жамиятида уруғчилик цехи ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда 20 нафар ходим меҳнат қилади. Ҳар йили вилоятдаги фермерларга 3 минг тонна уруғлик буғдой тайёрлаб берилади. Келгусидаги режалар ҳам бисёр. Яқинда корхонага швейцариялик мутахассислар билан ҳамкорликда замонавий дастгоҳлар ўрнатиш режалаштирилган.

**Ҳ.НУРОВ,**
**корхона касаба уюшма қўмитаси раиси**

***Манбаларда қайд этилишича, Хоразмда қадимдан уста-шогирдлик ҳамда ҳунармандчиликка катта эътибор қаратиб келинган. Фарзандлар беш ёшга тўлиши билан ҳунар ўрганишга, улғаявергач эса савдо ва тижоратни ўрганиш, дунё кўриш мақсадида карвонларга қўшилиб жаҳонгашталик қилишган... Мустақиллик йилларига келиб ёшларни замон руҳида тарбиялаш ва уларни мактабданоқ касбга йўналтиришга алоҳида аҳамият қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилингандан сўнг соҳада ислоҳотларни янада жадаллаштиришга имкон яралди.***

# КОЛЛЕЖДА ФАН ТЎГАРАКЛАРИ

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури—амалда*

Хусусан Хоразм воҳасида ҳам 60 га яқин замонавий касб-ҳунар коллежлари барпо этилиб, минглаб ёшлар билим олиб, ҳунар сирларини мукаммал ўрганишмоқда. Боғот иқтисодиёт коллежи улардан бири. Ёш авлодни касбга йўналтиришда ана шу даргоҳ ўзига хос ўрин тутиб келмоқда.

Айни пайтда бу ерда давр талаблари асосида ихтисосликлар такомиллаштирилаётир ва янги-янги мутахассисликлар шаклланаяпти. Бухгалтерия ҳисоби, молия-хўжалик фаолияти, банк иши, тикувчи-тўқувчилик, ҳуқуқ, фермер-ўсимликшунос, фермер-чорвадор каби саккизта йўналишларда туман меҳнаткашларининг 402 нафар фарзандлари таълим олиб, касбли бўлишмоқда.

Ўқув амалиёти ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда олиб борилади. Жумладан, банклар, хусусий корхоналар, фермер ва тадбиркорлар, «Боғоттекс» қўшма корхонаси талабалар амалий машғулотларини олиб боришида етарлича шарт-шароитлар яратиб беришмоқда.

Асосий масала – мутахассис тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашга қаратилган. Кейинги икки йил оралиғида ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида истиқболли шартномалар тузилиб, унга қатъий амал қилиб келинаётганлиги сабабли битирувчиларнинг барчасини иш билан таъминлашга эришилди.

Ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш қаторида уларнинг қизиқишига қараб тўгараклар ташкил этилган. Масалан, фан ва соҳалар бўйича 11 та тўгаракда 280 нафар ўқувчи банд. Илм масканида нафақат ёшларнинг ҳунар ўрганишларига, балки тарбиясига ҳам эътибор кучайтирилган. Дарс ва машғулотлардан сўнг турли соҳа мутахассислари, меҳнат фахрийлари билан ўтказилаётган қизиқарли учрашувлар ёшлар шуурида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат туйғуларини шакллантиришда асосий омил бўлмоқда.

Мазкур коллежда ёшларни касбга ўргатиш ва меҳнатга кўникма ҳосил қилиш бўйича яна битта яхши имконият мавжуд: – яъни илмгоҳнинг етти гектар майдони бор. Бу ерда ўқувчилар ҳам ўз маҳоратларини оширишади, ҳам деҳқончилик сирларини ўрганишади. Муҳими, бу ерда коллеж ўз-ўзини моддий таъминлашга шароит яратаётир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари даромади ҳисобига 26 нафар мутахассисларни, 37 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларини ва уч нафар боқувчисини йўқотган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш имкони туғилди. Касаба уюшмаси ҳам бу борада ўз дастурига эга бўлиб, ҳар ойда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни имкон даражасида қўллаб-қувватламоқда. Таътилларда улар соғлигини тиклаш ва қўшимча рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, ўтган даврда фан мутахассислари ва амалиёт усталаридан олти нафарига касаба уюшмаси томонидан йўлланмалар ажратилди. 50 нафар киши эса ҳудуддаги тарихий обидаларни ўрганиб, зиёратга бориб қайтишди.

Илм масканида кейинги йилларда спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келинаяпти. Кураш, волейбол, футбол, шахмат ва каратэ бўйича тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади. Биринчи босқич талабаси Э.Жумабоева каратэ бўйича, иккинчи босқич талабаси М.Отабоев шахмат бўйича вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этишиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЎҚИТУВЧИЛАРГА УСТАМА ҲАҚ

Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида мактаблар ҳолатини ҳар томонлама яхшилаш бўйича тадбирлар аниқ белгилаб берилган. Шундай экан, жойларда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Биз бунга аниқлик киритиш мақсадида Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимида бўлдик.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқинда шаҳардаги 8-ўрта мактаб мукаммал таъмирдан чиқарилган. Бунинг учун 69 миллион 500 минг сўм ажратилган. Бундан ташқари, 18-махсус мактабда ҳам 154 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилган. Бошқа умумтаълим мактаблар ва муассасалар жорий таъмирланди.

Бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисидаги қарори бўйича ҳам бир мунча ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2004-2005 ўқув йилида шаҳарнинг 12 та мактабида фаолият кўрсатаётган 562 нафар педагог ходимларнинг 110 нафари касб маҳорати, 33 нафари синфдан ташқари таълим-тарбия ишлари учун устама ҳақ билан рағбатлантирилдилар. Шаҳар марказий касалхонасининг қўшма буйруғи асосида 6 ёшли болаларни мактаб талабларига мос эканлиги аниқланди. Бу тадбир бўйича 799 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулардан 328 нафари соғломлаштирилди.

Ўқувчиларни маънавий бой, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини фойдали ва сермазмун ўтказиш мақсадида тўгараклар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Шаҳарда 3 та мактабдан ташқари таълим муассасаси бўлиб, уларга 1189 нафар ўқувчи жалб этилган. «Сиҳат-саломатлик Давлат дастури»ни амалга ошириш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди. Масалан, мактабларда «Алпомиш ва Барчиной бўламиз», «Отам, онам ва мен — соғлом оила» каби спорт мусобақалари ташкил этилди.

1283 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 11 миллион 698 минг 525 сўмлик кийим-кечак олиб берилди. 4 минг 811 нусха дарсликлар кутубхона фонди учун олинди. Шу ўринда бир неча йилдан буён 18-махсус мактабда ўқувчиларни овқатлантириш ишлари кўнгилдагидек эмаслиги кишини ўйлантиради. Янги ўқув йилида шу каби муаммолар ҳам ечимини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кадрлар тайёрлаш Милий дастурида мактабгача таълим босқичи алоҳида эътиборга эга. Шаҳарда 17 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, улардан 5 таси мослашган, 12 таси замонавий биноларда жойлашган. Тарбиячилар «3 мингинчи йилликнинг боласи» дастури асосида таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириб, машғулотларни ноанъанавий услубда ўтказмоқда. «Жажжи гўзаллар», «Соғломжон-полвонжон», «Севимли ўйинчоқлар», шулар жумласидандир.

**К.БОЙМУРОДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## *«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

## Саволингизга Тошкент шаҳар округ ҳарбий прокуратураси прокурор ёрдамчиси Алибек Чегибоев жавоб беради

***САВОЛ: муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш ва озод этиш борасида батафсил тушунча берсангиз.***

**К.УСЕНОВ,**
**Тошлоқ тумани**

**ЖАВОБ:** «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида айтилганидек, чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиши муддатини кечиктириш туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароитига кўра, саломатлигига кўра, ўқишни давом эттириши учун амалга оширилади.

Чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини оилавий шароитга кўра кечиктириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) чақирилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғил бўлмаса.

Ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади;

2)чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етмаган бошқа ўғил бўлмаса;

3)чақирув кунида чақирилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;

4)чақирилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса;

5)чақирилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва вояга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса.

Чақирилувчини унинг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек, олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагунларига қадар кечиктирилади.

Таълим муассасаларидан ўқишдан чиқарилган шахслар чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Чақирилиш муддатини кечиктириш асосларини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек, ушбу Қонунга мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига ёхуд чақирилишдан озод этиш учун асосларга эга бўлмаган ва турли сабабларга кўра муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилмаган шахслар чақирилиш куни йигирма етти ёшга тўлгунига қадар Қуролли Кучлар сафига навбатдаги чақирув пайтида чақириладилар.

Шунингдек, Қонуннинг 22-моддасига кўра тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан қуйидагилар озод этиладилар:

1)саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;

2)яқин қариндошларидан бири – (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

3)рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.



Яқинда Самарқанд вилоятидаги Оқдарё туманида жойлашган Янгиқўрғон пахта тозалаш акциядорлик жамияти ишга тушди.

– Ушбу корхона замонавий ва янгича кўринишда барпо этилиб, бу ерда 420 дан ошиқ ишчи-ходим ишлайди, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мақсуда Мардиева. – Ўртача иш ҳақи 90 минг сўм бўлиб, улар самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Шерали Ра́жабов, Фарҳод Эшқобилов, Толиб Ражабов, Комил Раҳимов, Асрор Ўроқов, Асқар Рустамов корхонамизнинг илғор ишчиларидан ҳисобланади.

**Суратда: корхона бош муҳандиси Баҳодир Умиров ишчилар билан.**

**Ю.ОЧИЛДИЕВ**
**олган сурат**




*Баскетбол*

## РОССИЯ: ДАЪВОГАРМИ ЁКИ...?



Кеча Сербия ва Черногорияда эркаклар ўртасида Европа чемпионатига старт берилди. Сергей Бабков етакчилик қилаётган Россия миллий жамоаси Германия, Италия ва Украина термаси билан «А» гуруҳида ғолиблик учун кураш олиб боради. Асосий мақсад – жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш. Бунга эришиш учун россияликлар кучли бешликдан жой олишлари талаб этилади.

Лекин ўртоқлик учрашувларида намойиш этилган ўйин савияси на Бабковни, на волейбол федерацияси раҳбарларини қониқтиради. Барча чизиқларда муаммолар мавжуд. Гарчанд жамоа ёш ва иқтидорли спортчилар билан тўлдирилган эса-да, бу ҳали ғалабага кафолат бермайди. Россия фуқаролигини олган Жон Роберт Холденнинг таркибга қўшилиши ҳам аслида терма жамоани кучайтиришни назарда тутади. Бу ўзгаришлар ўзини қанчалик оқлайди, ҳадемай маълум бўлади.

*Бокс*

## ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

1 октябрда ярим оғир вазнда IBO чемпионлиги учун Рой Жонсонларнинг кичиги ва Антонио Тарвер ўртасида жанг ўтказилиши режалаштирилган. Ўша кунгача икки ҳафта бўлса-да, ҳозирданоқ етакчи бокс ташкилоти камари учун даҳанаки жанг бошланиб кетди. Бунгача икки марта ўзаро рўбарў келиб, аввал униси, сўнгра буниси ўз устунлигини таъминлаган, бинобарин ҳеч бирининг яққол пешқадамлигини аниқлаш муайян муддатгача номаълум бўлишига қарамай, ҳар икки боксчи руҳий хуружларга зўр беришмоқда.

Рой Жонс «Мен шу ердаман. Мени ҳеч ким тўхтата олмайди, дея баёнот берса, Тарвер: «Мен Жонс ҳақида умуман ўйлашни истамайман, бутун эътиборимни жангга ҳозир-




лик кўришга қаратаман. Ўйлайманки, рақибим ниятига етолмайди», деб ишонч билдираётир. Тарверни кўпроқ бошқа нарса ташвишга солмоқда. «Модомики чемпионлик камари менда экан, мукофот пули кўпроқ менга тегишли бўлиши керак», демоқда у.

## КОРРАЛЕС ҲЕЧ НАРСАДАН ТОЙМАЙДИ

WBC ва WBO йўналишлари бўйича енгил вазнда жаҳон чемпиони Диего Корралес айни кунларда Хосе Луис Кастильо билан 8 октябрда ўтказиладиган жангга қизғин ҳозирлик кўряпти. Журналистларни ва бокс ихлосмандларини WBC йўналиши бўйича биринчи ярим ўрта вазнда амалдаги жаҳон чемпиони бўлган Флойд Мейуэзер билан эҳтимол тутилаётган жанг тафсилоти қизиқтираётганлиги табиий. Маълумки, ўзаро беллашувда Диего техник накаутга учраган эди. Корралес бу ҳақда жавоб бераркан, «Агар Мейуэзер биринчи ярим ўрта вазнда қоладиган бўлса, жоним билан у билан рингда учрашар эдим» деди.

Корралес, шунингдек, IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Рикки Хаттон билан учрашишга рози эканлигини билдириб, «Мен у билан бензин билан чўмилтирилган кийимда дўзахда куч синашишга ҳам тайёрман» дея ўзининг бу жангга қанчалар чанқоқлигини эслатиб қўйди.

## МАЙК ТАЙСОН МИННАТДОРЧИЛИГИ

Америкалик боксчи Майк Тайсоннинг Чеченистон Республикасига сафари ўз ниҳоясига етди. У кеча Гудермес аэропортидан Маҳачкала шаҳрига учиб кетди.

Тайсон Чеченистонда марҳум президент Аҳмад Қодиров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган иккинчи бутунроссия бокс турнири очилишида қатнашиш учун ташриф буюрган эди. Тайсон хайрлашув чоғида «мен ушбу юрт ва халқ тўғрисида яхши таассуротлар билан қайтмоқдаман. Илиқ ва самимий қабул учун миннатдорчилик билдираман» дея баёнот берди.

*Футбол*

## ЯНГИ ЛОЙИҲА

Украинанинг «Шахтёр» жамоаси яна бир ярим йилдан сўнг янги қиёфа касб этган стадионда тўп суради. У ҳар томонлама жаҳон андозаларига мос бўлади. 50 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳнинг матбуот ходимлари учун ажратилган бўлинмасида 72 та монитор ўрнатилиб, журналистлар майдонда юз бераётган воқеаларни ҳар томонлама таҳлил қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади.



Шунингдек, ногиронлар учун 150 та махсус жой ажратилади, боз устига кўриш ва эшитиш қобилиятида нуқсон бўлган кишилар бинокл ва овоз кучайтиргич қурилмалар билан таъминланади.

## УЕФА КУБОГИ УЧУН

Футбол ҳамиша шов-шувли воқеаларга бой бўлади. Пайшанба куни старт олган УЕФА кубогининг энг кутилмаган натижаси «Эвертон»нинг Бухарестда «Динамо» билан бўлган учрашувида юз берди. Гарчанд биринчи бўлимда меҳмонлар ўзлари учун қониқарли нурсиз дурангни ушлаб қололган эсалар-да, иккинчи таймда жавобсиз тўрт гол ўтказиб юбориб, ёмон аҳволга тушиб қолдилар.

Лиссабоннинг «Спортинг» клуби жамоасининг янги ўйинчилари бразилиялик Уендер ва Дэйвид икки голи эвазига Швециянинг «Хальмстад» клубини мағлубиятга учратди. Қолган учрашувлар ҳам қизиқарли кечди: «Галатасарой» – «Тромсе» – 1:0, «Штутгарт» – «Домжеле» – 2:0, «Шахтёр» – «Дебрецен» – 4:1, «Рома» – «Арис» – 5:1, «Палермо» – «Анорстроис» – 2:1.

Италиянинг «Сампдория» ва Португалиянинг «Сетубал» клублари ўртасидаги матчда дуранг қайд этилди.

**М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

## ОЛТИНСОЙДА ЯРМАРКА

***Олтинсой туманида аҳолини иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Бу ерда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди. Унда тумандаги корхона ва ташкилотлар 170 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Тадбир давомида иш сўраб мурожаат этган юздан зиёд киши мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

## МАКТАБ-ИНТЕРНАТ

***Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган «Меҳр-мурувват» шаҳарчасида кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг янги биноси қуриб битказилди. 150 ўқувчи сабоқ оладиган мазкур таълим мажмуаси ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, кутубхона ва мажлислар залини ўз ичига олади.***

Бу ерда болалар ўқиш билан бирга касб ўрганишлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун махсус устахоналар ҳам мавжуд. Мактаб кутубхонаси тўлиқ компьютерлаштирилган, ўқувчилар компьютер ёрдамида жаҳоннинг кўзи ожизлар учун мўлжалланган энг бой кутубхоналаридан бемалол фойдаланишлари мумкин.

***Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, халқ таълими тизимидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, илғор педагогик технологияларни жорий этишда ўрнак бўлаётган жамоаларни рағбатлантириш мақсадида олти йилдан бери «Вилоятнинг энг намунали мактаби» танлови ўтказиб келинмоқда. Бу йил танлов ҳайъати Жондор туманидаги 13-мактабни ғолиб деб топди ва жамоани «Пентиум-4» компьютер тўплами билан тақдирлади.***

## НАМУНАЛИ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Дарҳақиқат, бу билим даргоҳи вилоятда ўз мавқеига эга. Уч йилдирки, мактаб битирувчиларининг асосий қисми олий ўқув юртларига қабул қилиняпти. Мактабнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Унда компьютер синфи, лингафон кабинети, бой китоб фондига эга кутубхона бор.

Шунингдек, совринли ўринларни эгаллаган Ғиждувон туманидаги 8-мактаб, Бухоро шаҳридаги 11-мактабга мукофот тариқасида 850 минг сўмлик бадиий ва ўқув адабиётлари топширилди.

**(ЎзА)**


## Информация о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ГАСК «Кафолат»

**ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ – 10**

**Изменения в персональном составе должностных лиц**

**1.Орган управления эмитента, в котором произошли изменения:**

Наблюдательный совет ГАСК «Кафолат».

**2.Фамилия, имя, отчество каждого лица, избранного (назначенного) в орган управления эмитента и (или) каждого лица, полномочия которого прекращены;**

Избран в члены Наблюдательного совета:

– Нурматов Шухрат Иркинович

Прекращены полномочия члена Наблюдательного совета:

– Казиев Пулат Рашадович.

**Доля участия в уставном фонде эмитента лица, которое лично является акционером эмитента;**

Никто из выше перечисленных лиц не является лично акционером ГАСК «Кафолат»

**Дата, в которой произошли или произойдут указанные изменения;**

16 сентября 2005 года

**Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений, и дата его принятия иные обстоятельства, повлекшие указанные изменения;**

Решение Внеочередного общего собрания акционеров 16 сенября 2005 года.

**Адрес ГАСК «Кафолат»**
**700049, г.Ташкент,**
**ул.Мовароуннахр, 13 а.**
**Тел: 133-26-98**

## Сообщение о существенном факте ОАО «TOSHUYJOYLOYIHA»
## Порядковый номер сообщения - 09

*Вид общего собрания - внеочередное*

*Форма проведения общего собрания акционеров - очное.*

*Дата проведения общего собрания - 15.09.05г.*

*Место проведения общего собрания - г.Ташкент, ул. М. Якубовой 43, институт «TOSHUYJOYLOYIHA».*

*Кворум общего собрания - 97,81%*

*Вопросы поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:*

| № | Вопросы поставленные на голосование | Итого голосования | | |
|---|---|---|---|---|
| | | За | Против | Воздерж. |
| 1 | Принять к сведению отчет председателя правления по деятельности ОАО "TOSHUYJOYLOYIHA" в 1-м полугодии и перспективах на 2-е полугодие 2005 г. | 232635 (единогласно) | нет | нет |
| 2 | Оказать материальную помощь ОАО "Мадамин" в соответствии с его обращением | 232635 (единогласно) | нет | нет |
| 3 | Утвердить порядок и размер вознаграждения членов Наблюдательного Совета. | 232635 (единогласно | нет | нет |

*Полные формулировки решений, принятых общим собранием:*

*1. Принять к сведению отчет председателя правления по деятельности ОАО «TOSHUYJOYLOYIHA» в 1-м полугодии и перспективах на 2-е полугодие 2005 г.*

*2. Оказать материальную помощь ОАО «Мадамин» в соответствии с его обращением.*

*3. Утвердить порядок и размер вознаграждения членов Наблюдательного Совета.*

*Дата составления протокола внеочередного Общего собрания акционеров - 16.09.2005г.*

